

ТАЪЛИМ СИФАТИ МУАММОЛАРИ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ХАЛҚАРО МОДЕЛЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Ибраимов Холбай Ибрагимович

Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари
илмий тадқиқот институти директори,
педагогика фанлари доктори, профессор

Аннотация: мазкур мақолада Республикаизда мавжуд таълим сифати муаммолари, таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари, кадрларни тайёрлаш ва уларнинг профессионал малакаларини узлуксиз ривожлантириб бориш масаласи, инсон тараққиёти кўрсаткичлари, ушбу соҳаларда халқаро моделларнинг ўзига хосликлари масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: инсон тараққиёти (камолоти) индекси, бўлажак ўқитувчи, профессионал компетентлик, таълим сифати, Н.Жаксон ва Х.Лунднинг “концептуал тизими”.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида таълимга алоҳида аҳамият берилаётганини дунё миқёсида 1990 йилдан бошлаб, БМТ томонидан **инсон тараққиёти (камолоти) индекси** хисоблана бошлаганида ҳам кўриш мумкин. Инсон тараққиёти (камолоти) индекси (Human Development Index) — жамиятда инсоннинг баркамоллиги таъминланишини ифодаловчи интеграл кўрсаткичdir: Бу индекс покистонлик иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ (Mahbub ul-Haq) бошчилигидаги гурӯҳ томонидан ишлаб чиқилган. Унинг концептуал таркиби Амартия Сен (Нобель мукофоти лауреати, 1998 й.) ғояларига асосан яратилган. У БМТнинг тараққиёт дастури асосида тайёрланган, унинг маҳсус докладлари доирасида фойдаланилган ва эълон қилинган. Бу жиҳатдан мамлакатлар ривожланишига баҳо берилади.

Инсон тараққиёти кўрсаткичлари қўйидагиларга боғлиқ:

- таълим сифати ва аҳолининг саводхонлик даражаси;
- умрнинг давомийлиги;
- киши бошига тўғри келадиган ялпи миллий даромад.

2019 йилги рейтингда илк уч ўринни Норвегия, Швейцария ва Ирландия эгаллади. Ҳаёт даражаси энг ёмон деб топилган уч мамлакат Чад, Марказий Африка Республикаси ва Нигерия бўлди.

Ўзбекистон эса Туркманистон билан битта – 108-ўринни эгаллади. (Колган кўшни давлатларнинг ўринлари қуидагича: Қозоғистон – 50, Қирғизистон – 122, Тожикистон – 125, Афғонистон – 170).

Ушбу кўрсаткичдан кўриниб турганидек, Ўзбекистон таълим тизими олдида турган муаммолар талайгина. Таълим тизими сифати эса энг аввало педагогик кадрлар сифати билан алоқадор.

Бугунги кунда ўқитувчи, жумладан бўлажак ўқитувчи шахсига кўйиладиган талаб жуда юқори. Чунки жамият ривожи, унинг гуллаб яшнаши, иқтисодиётнинг бойиши, мамлакат қудратининг ортиши бевосита шу жамиятнинг таълим тизими, унинг сифати ва кадрлар малакасига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев президентлик фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз учун энг катта муаммо, бу — бугунги замон талабларига мос кадрлар етишмаслигини, барча соҳада инновацион ва креатив фикрлайдиган, илфор технологияларни ўзлаштирган мутахассисларга эҳтиёж жуда юқори эканини таъкидлаб келади. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 30 сентябрда ўқитувчilar ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирда сўзлаган нутқида кадрлар масаласига тўхталар экан “Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Ҳар куни сени нима қийнайди, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан кадрлар қийнайди, кадрлар захираси қийнайди, деб жавоб бераман [1]” дея таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16-январда қабул қилинган қарори ПҚ-4119-сон “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори [2]га мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига қўшимча вазифалар юклатилди. Бу вазифалар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари рейтингини тузиш ва расман эълон қилиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш бўйича халқаро дастурлар ва тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш;
- етакчи рейтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва миллий олий таълим муассасаларининг дунёнинг етакчи рейтингига киришига ҳар томонлама кўмаклашиш [2].

“Таълим сифати” сўз бирикмаси мамлакатимизда илк бор 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқуқий хужжатларининг таълим сифати устидан давлат назоратига бағишлиланган модда ва бўлимларида расмий равишда қайд этилган. Бу эса ўз навбатида таълим сифатини таъминлашга доир қатор назарий ва амалий ишланмаларнинг яратилишига туртки бўлмоқда. Ш.Курбонов ва Э.Сейтхалиловларнинг тадқиқотларида таълим сифати деганда таълим жараёнининг турли иштирокчилари таълим муассасаси томонидан кўрсатилаётган таълим хизматларидан кутганларининг қаноатлантирилиши даражаси тушунилади

Таълим сифати – кўп қиррали, ҳаракатчан ва доимий ўзгаришда бўлган концепция. Шу туфайли ҳам мазкур тушунчани белгилашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Таълим сифатини ҳақида сўз борар экан, қўйидаги саволларга жавоб топиш орқали унинг мазмуни янада ойдинлашади:

- Нимани ва ким томонидан баҳолаш лозим?
- Қандай мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланилади?
- Баҳолаш мақсади ва стратегиялари нималардан иборат?

Таълим сифати иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг мавжуд ва келгуси эҳтиёжларига таълим тизимининг мутаносиблик даражаси билан белгиланади. Касб-хунар таълими соҳаси аҳоли бандлиги, ижтимоий

ҳимоя, ишлаб чиқариш, савдо ва сармоявий фаолият соҳасини ислоҳ қилиш кенгайган саъй-ҳаракатлар уйғунлигига олиб борилса, кутилган натижани беради. Шу маънода айтиш мумкинки, таълим сифати – бу аниқ мақсадга эришишда ва ҳаёт фаровонлигини таъминлашда аниқ шароит ва жойда эгалланган билимларга бўлган эҳтиёж. Шунингдек, таълим сифати таълим жараёни якунидан сўнг амалиётда унинг фундаменталлиги, мустаҳкамлиги ва сермазмунлиги билан белгиланади ҳамда талабанинг қўйидаги соҳаларнинг ҳар бирида қанчалик ютуққа эришганини кўрсатади:

- ички салоҳиятини намоён эта олиш;
- маънавий жиҳатдан етук бўлиш;
- ўз ҳаёти фаровонлигини таъминлаш;
- самарали қарор қабул қила олиш;
- узлуксиз таълим.

Таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари сифатида қўйидаги 5 та компонентни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Таълим сифатини шакллантиришнинг асосий устувор йўналишлари

№	Компонентлар	Кўрсаткичлар
1	Таълим истеъмолчилари яъни талабалар	<ul style="list-style-type: none">– талабалар билиш қўрсаткичлари;– уларнинг билим олишга мотивацияси.
2	Муҳит	<ul style="list-style-type: none">– олийгоҳнинг моддий-техник базаси;– ўқув материаллари ва жиҳозлар сифати;– инфратузилма сифати.
3	Мазмун	<ul style="list-style-type: none">– дарсликларнинг талаб даражасида эканлиги;– таълим мазмунига янги, инновацион технологияларни киритиш.
4	Жараён	<ul style="list-style-type: none">– профессор-ўқитувчилар тайёргарлиги ва профессионалик даражаси;– уларнинг компетентлик даражаси;– таълим методлари валидлиги;– раҳбариятнинг бошқарувчанлик фаолияти.

5	Натижа (outcomes)	<ul style="list-style-type: none"> – билим сифати; – кадрларга бўлган талаб; – битирувчиларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги; – битирувчилар муваффақиятлари.
---	----------------------	--

Британиялик муаллифлар Н.Жаксон ва Х.Лунд олий таълимдаги сифатни баҳолаш масалаларига ёндашишда “концептуал тизим”га асосланадилар [3] (1.2.-жадвал).

1.2.-жадвал
Н.Жаксон ва Х.Лунднинг “концептуал тизими”

Кирим ва ресурс	Жараён	Натижа мақсад
<p>Талаба: дастлабки билим савияси, иш қобилияти, танлаган соҳаси ва малакаси.</p> <p>Ўқитувчи ҳодим: илмий салоҳияти, малакаси, экспертлик даражаси, компитентлиги, ривожланувчи таълимга тайёрлиги.</p> <p>Жисмоний ресурслар: туар жой, шарт-шароитлар, техника ва жихозлар, кутубхона ва информацион технология имкониятлари.</p> <p>Молиявий ресурслар: талаба ва ўқитувчи ҳодимларга сарфланадиган сарф ҳаражатлар.</p> <p>Ташки ресурслар: ноакадемик мутахассислардан фойдаланиш, олий таълим муассасаси қарамоғида бўлмаган техника ва жихозлардан фойдаланиш.</p>	<p>Таълим дастурлари ва ўқитиш шарт шароитлари билан таништириш.</p> <p>Ўқув дастурлари дизайнни ва баҳолаш.</p> <p>Ўқитиши ва ўрганиш стратегиялари ва методлари, эффективлиги, инновацион ёндашувлар.</p> <p>Талабаларга раҳбарлик ва қўллаб-қувватлаш: академик ва индивидуал сабоқ бериш тизими, қўлланма ва бошқа турдаги маъруза матни ҳамда маълумотлар, лойиҳаларга раҳбарлик қилиш.</p> <p>Талабалар фаолиятини қайд қилиш тизими: талабанинг ўзлаштиришини баҳолаш ва ҳисбот тайёрлаш.</p> <p>Менежмент ва административ бошқарув тизими:</p> <p>Таҳлилий ишлар ва камчиликларни тузатиш. Талабалардан ёки ҳодимлардан келиб тушадиган талаб ва таклифлар асосида.</p>	<p>Талабанинг рақобатбардош кадр бўлиб етишиши, юқори рейтингга эга бўлиш, таълим стандартларини бажариши, узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига тайёр бўлиши.</p> <p>Ўқитувчи ҳодимлар: уларнинг ўқитиш, илмий тадқиқотларида, бошқарувда супервайзерликда маҳсулдорликка ва креативликка эришиши.</p>

1.1. ва 1.2.-жадвалдан кўриниб турибдики, таълим сифати профессор-ўқитувчилар тайёргарлиги ва профессионалик даражасига, уларнинг компетентлик даражасига, таълим методлари валидлигига ҳамда раҳбариятнинг бошқарувчанлик фаолияти кўрсаткичларига бевосита

боғлиқдир. Бу ерда ўқитувчининг профессионал кўникма ва малакалари етакчи ўринни эгаллайди.

TUNING [4] (Европа худудидаги ОТМ таълимий тузилмаларини созлаш) лойиҳаси доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар давомида, бўлажак мутахассислари (битиравчилари) эгаллаши лозим бўлган компетенция/компетентлик турлари икки гурухга бўлинди. Булар: умумий ва маҳсус компетенциялардир. Битиравчилар, ишберувчилар ва педагог-мутахассислар орасида ўтказилган саволномага кўра бўлажак мутахассислар эгаллаши лозим бўлган ўттиз турдаги компетенциялар ажратиб берилди. Булар:

1. Анализ ва синтез қила олиш кўникмаси.
2. Назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси.
3. Ташкил этиш ва режалаштириш кўникмаси.
4. Ўрганилаётган соҳа доирасидаги таянч билимлар.
5. Таянч билимларни амалиётда қўллай олиш.
6. Ўз она тилида оғзаки ва ёзма мулоқот қила олиш кўникмаси.
7. Иккинчи тилни билиш.
8. Элементар компьютер саводхонлиги.
9. Тадқиқотчилик кўникмалари.
10. Ўрганиш қобилияти.
11. Ахборот компетентлиги (зарурий маълумотни излаш ва уни таҳлил қила олиш)
12. Танқид ва ўз-ўзини танқид қила олиш.
13. Янги шароитларга мослашиш малакаси.
14. Фоялар яратиш (креативлик)
15. Муаммоларга ечим топа олиш қобилияти.
16. Қарорлар қабул қила олиш қобилияти.
17. Жамоада ишлаш қобилияти.
18. Шахслараро компетенция.

19. Жамоада лидерлик қила олиш қобилияти.
20. Турли гурухларда ишлай олиш қобилияти.
21. Номутахассислар билан муроқот қила олиш қобилияти.
22. Турфа маданиятлиликни тан олиш,
23. Халқаро майдонда ишлай олиш қобилияти.
24. Ўзга миллатларнинг урф-одат ва анъаналарини тушуна олиш.
25. Автоном режимда ҳам ишлай олиш кўникмаси.
26. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ эта олиш кўникмаси.
27. Ташаббускорлик ва тадбиркорлик қобилияти.
28. Ахлоқий қарашларга эгалик.
29. Сифатга қизиқиш.
30. Муваффақиятга эришиш истаги.

Америкалик педагог олим Алекс Муур [5] нинг “Яхши ўқитувчи қандай бўлади?” деган саволга жавобан у ўқитувчининг хоризматиклик компетентлиги фоясини олға суради. “Бу одатда ўқитувчи ўзининг шахсий хаётий тажрибасидан ёки ижтимоий шароитидан келиб чиқсан ҳолатда содир булиши мумкин-деган фикрни билдиради. Шунингдек, хоризматик ўқитувчига хос бўлган педагогик хусусиятлар: ўзини билимли намоён қилиш, қачон гапириш, қачон эшитиш ва қачон савол беришни билиш, самарали муроқот, ўзларининг фикр мулоҳазаларини ва талаб ва таклифларини, хукumat карорлари ва буйрукларига бўлган фикрларини бера олиши, коммуникатив, рақобатбардош, мослашувчан, таъсир кўрсатувчи, изланувчи тадқиқотчи, назарий маълумотга эга, ҳар қандай реакцияга табиий жавоб қайтара оладиган яхши сухбатдош, ўзлигини англаши кабилардан иборат бўлмоғини педагогик жиҳатдан талқин этади. Харизматик ўқитувчи ҳакида яна бир зарур фикр шундайки, у киришимли бўлади. Муносабатга киришимли ўқитувчи номаълим шахсиятга эмас,

осон эътироф этилувчи, енгил тақлид қилинувчи мулоқот ва тақдимот кўнималарига асосланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислоҳот ва ўзгаришлар ҳар бир ўқитувчини касбий компетентлиги ва ўзига хос фазилатларини ривожлантиришга унданоқда. Муайян фазилатлар том маънода “маҳорат” деган маънони англатувчи компетенция асосида намоён бўлади ва унинг мазмuni “назарий билимларни амалда қўллай олиш, мукаммал касбий маҳорат, қобилият ва истеъододларни намойиш эта олиш”дир. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, унинг мазмунини такомиллаштириш зарур ахамият касб этади. Педагогик кадрлар тайёргарлиги сифатини сезиларли даражада ошириш учун педагогик ва касбий билимлар синтезини таъминлаш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-ituv-30-09-2020>
2. <https://lex.uz/docs/4164675> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16-январда қабул қилинган қарори ПҚ-4119-сонли “Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.01.2019 й., 07/19/4119/2492-сон; 28.09.2020 й., 06/20/6075/1330-сон.
3. Лутфуллаев П. М. Мировая практика интерпретации качества высшего образования //Бюллетень науки и практики. – 2018. – Т. 4. – №. 4. – С. 461-469.
4. <http://unideusto.org/tuning/>.
5. Алекс Муур. Таълим бериш ва таълим олиш: Педагогика, таълим дастури ва тарбия. Манография Иккинчи нашри. - Рутледж. Боулинг Грин штати Университет кутубхоналари. 2012-22 б.